

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан  
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1300-ҳадис**

1300 - وَعَنْ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: حُجَّ بِي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ وَأَنَا ابْنُ سَبْعِ سِنِينَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [1858].

1300. Соиб ибн Язид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Етти ёшимда, ҳажжатул вадоъда мени Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга ҳаж қилдиришди».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Демак, саҳобаи киромлар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлик чоғларида ёш болаларини ҳаж қилдиришар экан. Ушбу ривоят ровийлари Соиб ибн Язид розияллоху анхунинг оталари ўзлари билан олиб юриб, ҳаж қилдирган эканлар. Ўша ҳаж Пайғамбар алайҳиссаломнинг видолашув ҳажларида бўлиб, боланинг ёши еттида экан.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

